

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ НОДИР АБДУЛХАЕВИЧ

**ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИККА ТАҲДИДЛАР ШАРОИТИДА
СУРИЯНИНГ СИЁСИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата (DSc) диссертации доктора наук

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Абдуллаев Нодир Абдулхаевич

Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар шароитида

Суриянинг сиёсий трансформацияси 3

Абдуллаев Нодир Абдулхаевич

Политическая трансформация Сирии в условиях

угроз безопасности и стабильности.....

Abdullaev Nodir Abdulkhaevich

Political transformation of Syria in

the threats to security and stability

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/Ss31 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (<http://nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Сайфуллаев Дурбек Бахтиёрвич тарих фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Эргашев Ибодилла Эргашевич сиёсий фанлар доктори, профессор Журақулов Фурқат Норйигитович сиёсий фанлар доктори, профессор Жалилов Ақтам Ташназарович сиёсий фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи 03/30.12.2019.Ss.01.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4-уй, тел.: (99871) 2460224, факс: (99871) 2460224; E-mail: info@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси 5-қават, 511-хона.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй, ЎзМУ Маъмурий биноси 2-қават, 4-хона. Тел.: +998712460224, факс: +998712460224; E-mail: info@nuu.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

К.М. Мирзаахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSC) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобал миқёсда бўлаётган ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар давлатларнинг сиёсий жараёнларига таъсир кўрсатиб, уларни жиддий трансформацияга олиб келмоқда. Бундай шароитда халқаро муносабатлар тизими ҳам ўзгариб бораётгани давлатлараро алоқаларни мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ташкил этишнинг аҳамиятини оширмоқда. Суриядаги воқеалар Яқин Шарқдаги глобал трансформациянинг таркибий қисми сифатида намоён бўлиб, хавфли тенденцияларни келтириб чиқармоқда. Бундай мураккаб ва таҳдидли жараёнлар таъсирида давлатлардаги сиёсий ўзгаришларни араб жамиятларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда чуқур ва кенг камровли тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг бир қатор етакчи илмий тадқиқот муассасаларида ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида араб давлатларидаги сиёсий жараёнларни, жумладан, уларнинг сабаблари ва омилларини, хавфсизликни таъминлаш муаммоларини комплекс ўрганишга бағишланган кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар объекти сифатида араб давлатларидаги сиёсий трансформация, диний, этноконфессионал зиддиятлар, экстремизм ва терроризм муаммолари алоҳида эътибор билан ўрганилмоқда. Илмий изланишларда Сурия ташқи сиёсатининг мамлакатдаги ислоҳотлар натижадорлигини, миллий ривожланишини ва хавфсизлигини таъминлаш механизмларини илмий муаммо сифатида тадқиқ этилишига муҳим аҳамият қаратмоқда.

Халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш ва изчил ривожлантириб бориш асосида мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш айнан Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатида алоҳида аҳамиятга молик. Зеро, “бугун терроризм ва экстремизмга қарши курашишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, тобора авж олаётган қарама-қаршиликларни бартараф этиш, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган хавфларга қарши биргаликда курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда”¹. Ўзбекистон бу борада Яқин Шарқ давлатлари билан икки томонлама ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро манфаатли алоқаларини изчил ривожлантириб бормоқда. Араб мамлакатлари билан кенг камровли ҳамкорлик республикамиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этаётган бир шароитда Суриядаги ҳозирги ўзгаришларнинг минтақавий ва глобал акторлар билан муносабатларга ва Марказий Осиёдаги вазиятга таъсирининг олдини олиш Ўзбекистоннинг узоқ муддатга мўлжалланган миллий манфаатларига мос тушади. Шу нуқтаи назардан, араб мамлакатларидаги жараёнларни тадқиқ этиш, ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришларни, эришган ютуқлари ва камчиликларини атрофлича ўрганиш, тегишли хулосалар чиқариш ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-sha-18-10-2016>

олдинда турган мақсадларни аниқ белгилаб олиш ва уларга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқишга бўлган талаб тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Жамиятни либераллаштириш жараёнида араб давлатларидаги сиёсий трансформация муаммоси, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш бир қатор хорижий мамлакатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази (АҚШ), Араб Шарқи стратегик ва цивилизацион тадқиқотлар маркази (Буюк Британия), Стратегик, сиёсий ва иқтисодий тадқиқотлар араб демократик маркази (Германия), Шарқшунослик институти (Россия), “Ал-Ахром” сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази (Миср), Стратегик тадқиқотлар маркази (БАА), “Ал-Жазира” илмий тадқиқотлар маркази (Қатар), Ижтимоий фанлар академияси (Хитой), Яқин Шарқ тадқиқотлари маркази (Туркия)да муҳим илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган.

Яқин Шарқда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар шароитида Суриянинг сиёсий трансформациясига доир тадқиқотлар натижасида, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Суриянинг тараққиёт парадигмасини белгилашда муҳим ўрин тутувчи миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенгликни таъминлаш миллий ривожланиш стратегияси очиб берилган (Стратегик тадқиқотлар маркази, Марокаш); Сурия демократик давлат бошқарувиغا Ғарб либерализмига хос мулкий индивидуализм тамойилининг кириб келиши мамлакатда сиёсий беқарорлик ва марказий бошқарув тизимининг заифлашуви омилига сабаб эканлиги

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.dgrsdt.dz; www.ecssr.ae; iimes.ru; www.iasj.net; www.dcrs.sy; katehon.com; eipss-eg.org; www.ahewar.org.eg; acpss.ahram.org.eg; gulfpolicies.org; damascusuniversity.edu.sy; e-koncept.ru; carnegie.ru; www.dcrs.sy www.democraticac.de; asharqalarabi.org.uk; www.dohainstitute.org/ar; www.syria.tv ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

асослантирилган (Сурия илмий тадқиқотлар маркази, Сурия); умумараб муносабатларидаги янги тенденциялар ҳамда араб-Исроил можароси Яқин Шарқ давлатларига ички (диний экстремизм, фанатизм) ва ташқи (сиёсий конфронтация, перманент хавф) таҳдидларни яратаётгани очиб берилган (“Ал-Ҳивар” сиёсий ва медиа тадқиқотлари маркази, Миср); Сурияда ички ва ташқи муҳолиф кучлар томонидан амалдаги давлат тузумини ўзгартиришга қаратилган фаолиятни “симметрик”, “консенсус” ва “шахсий музокара” каби усуллар орқали ечилиши илмий асосланган (“Ал-Қуддус” сиёсий тадқиқотлар маркази, Иордания; Яқин Шарқ ва Исроилни ўрганиш институти, Россия); араб давлатларидаги сиёсий трансформация жараёни Сурияни суннийлар, шиалар, алавийлар, курдлар, шунингдек, Эрон, Исроил, Туркия, АҚШ, Россиянинг ҳарбий-сиёсий манфаатлари тўқнашуви ва геосиёсий рақобат майдонига айланиб қолаётгани аниқланган (Жорж Маршал номидаги Хавфсизликни тадқиқ этиш маркази, АҚШ; Яқин Шарқ тадқиқотлари маркази, Германия).

Сурия ташқи сиёсатининг мамлакатдаги ислоҳотлар натижадорлиги, миллий ривожланиши ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган сиёсий механизмларни жорий этиш борасида, жумладан, қуйидаги: минтақадаги этноконфессионал қарама-қаршиликлар замирида кечаётган мураккаб сиёсий жараёнларда Суриянинг Яқин Шарқ давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини икки ва кўптомонлама асосда ривожлантириш; араб оламида ўзининг геостратегик ўрнини сақлаб қолаётган Сурияда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг концептуал асослари, стратегияси ҳамда ўзига хос сиёсий механизмларини яратиш; Суриядаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар, жамоат фондлари фаолиятини тартибга солиш, уларни мамлакатдаги сиёсий-иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигига йўналтириш ҳамда институционал базани шакллантириш; диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашда аҳолининг мафкуравий иммунитетини кучайтириш, янги таълим тизими орқали қатъий фуқаролик позицияни, зўравонлик ва ёт ғояларга муросасизликни шакллантириш каби устувор йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яқин Шарқ давлатларининг сиёсий трансформацияси, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдидлар, ушбу ҳудуддаги давлатлар ўртасидаги муносабатлар, Сурия муаммосининг келиб чиқиши, уларни бартараф этиш борасидаги ёндашувларни тадқиқ этган хорижлик ва ўзбекистонлик олимларнинг араб, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги илмий ишларини мазкур йўналишлар бўйича уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга сиёсий трансформация, Яқин Шарқ давлатларидаги демократик ислоҳотлар хусусиятлари, давлатлар инқирози, араб жамиятларидаги сиёсий ўзгаришлар, давлат ривожидagi теократик тизимдан дунёвий давлатга ўтиш босқичларини ўрганишга қаратилган инглиз, араб, рус ва ўзбек тилларидаги тадқиқотлар киради. Бу борадаги муҳим илмий ишлар Р.Алқаро, Т.Вейсс, Э.Гарвуд-Говерс, В.Дюрак, Э.Либлич, М.Линч, П.Линд, Р.Мюррей, А.Маккей, Р.Оливьер, К.Поллак, С.Хамид, шунингдек, А.Архипов, А.Аксенков, М.Барабанов, А.Васильев, С.Денисенцев, И.Звягельская,

В.Кузнецов, А.Лавров, Н. Ломов, Ю.Лямин, В.Наумкин, А.Никольский, Р.Пухов, М.Шеповаленко, Н.Сухов, Ж.Шарп ва Ж.Абдулжавад, Н.Мустафо, М.Камил, Р.Аммар, А.Саид ва бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган. Шу билан бирга, З.Хусниддинов, Ҳ.Мухамедов, Д.Раҳмонов, Ў.Рустамов, З.Мунавваров, А.Азимов, А.Қосимов, И.Васькин, Б.Ғиёсов³ каби мамлакатимиз мутахассисларининг илмий ишларида ёритилган.

Иккинчи гуруҳни хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга оид муаммолар, Яқин Шарқ минтақасидаги геосиёсий жараёнларнинг моҳияти, араб-мусулмон давлатчилиги тизимининг шаклланиши, диний-сиёсий оқимларни ва уларнинг фаолиятини ўрганишга бағишланган хорижий ва ўзбек тилидаги илмий ишлар ташкил қилади. Бу борада диққатга сазовор ишлар қаторида А.Бернард, А.Крамер, С.Дагхер, С.Фитч, Б.Кауслер, А.Харел, М.Хеллер ҳамда Ҳ.Абдулазиз, Ш.Жухар, М.Тлас, А.Суан, А.Ханна, Ж.Вақим, К.Дийб, Р.Зиёд ва А.Александров, В.Ахмедов, А.Демченко, И.Звягельская, Г.Мирский, В.Сченников, В.Юрченко каби олимлар, шунингдек, ўзбекистонлик Ш.Пахрутдинов, Т.Жўраев, Р.Қосимов, А.Қосимов, З.Мунавваров, Ш.Ёвқочев, С.Ғафуров, М.Мухаммадсидиқов, М.Ражабова, Ў.Хасанбоев, Ҳ.Мухамедов, М.Нуритдинов⁴ ва бошқа олимларнинг илмий ишлари муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

Учинчи гуруҳга хорижлик ва ўзбекистонлик олимларнинг Сурия жамиятининг ўзига хослиги, сиёсий тизими, этник ва диний муаммолари, минтақа сиёсий жараёнларидаги ўрни, Сурия можаросини ҳал этиш йўлидаги халқаро ҳамкорлик, ички ва ташқи сиёсатидаги трансформация жараёнлари, араб давлатлари ички ва ташқи сиёсатида ҳарбийлар ўрни ва роли борасидаги ишлари қиради. Ушбу масалалар В.Фарес, К.Поллак, М.Прайс, Р.Рабил, А.Таблер, Е.Феррис, Д.Леш, Л.Матар, Н.Казимий, шулар қатори А.Аганин, В.Наумкин, Ю.Щегловин, В.Казанин, С.Сулакшин, Л.Кравченко, Н.Плотников, А.Егорин, Д.Баранов ҳамда А.Ийман, А.ал-Мурр, А.Фарҳатий, Г.Авда, А.ал-Ғамрий, шунингдек, К.Азимов, С.Турсунова, А.Тулепов, Ф.Каримов, А.Абдисатторов, З.Мунавваров⁵ каби мутахассисларнинг асарларида атрофлича ёритилган.

Диссертацияни тайёрлаш жараёнида мазкур тадқиқотчиларнинг назарий хулосалари ва концептуал мулоҳозалари ҳам таҳлил қилинган.

Юқоридаги илмий ишларни эътироф этган ҳолда, Суриянинг ички ва ташқи сиёсати, сиёсий ва партиявий тизимининг ўзига хос жиҳатлари, ҳокимият органларининг ўзаро ва жамият билан муносабати, элиталарни этник-конфессионал ёллаш механизмлари, қарорлар қабул қилиш ва уларни ижро этиш механизмида ҳукмрон партиянинг ўрни Ўзбекистон шарқшунослари томонидан кам ўрганилган. Сурия сиёсий трансформацияси минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик контекстида ҳамда мавжуд ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий-сиёсий муаммолар нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Бу борада ҳал этилмаган ёки қисман таҳлил

³ Кайд этилган маҳаллий ва хорижий олимларнинг асарлари диссертацияда батафсил келтирилган.

⁴ Диссертацияда мазкур муаллифларнинг тадқиқотларидан унумли фойдаланилган.

⁵ Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг “Фойдаланилган манба ва адабиётлар” қисмида келтирилган.

килинган кўплаб муаммолар, масалалар сақланиб қолаётганлиги ва улар алоҳида тадқиқот мавзуи бўлмаганлигини кўриш мумкин. Муаммонинг юқори даражадаги илмий-амалий аҳамияти, унинг долзарблиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот мавзусининг танланишига асос бўлган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-188 “Хорижий Шарқ ва Ғарб давлатлари ижтимоий-сиёсий ривожланишининг назарий ва амалий жиҳатлари” мавзусидаги илмий-амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Яқин Шарқ давлатлари хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдидлар шароитида Сурия Араб Республикасининг сиёсий трансформацияси, унинг ички ва ташқи омилларини аниқлаш, сабаблари ва келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“сиёсий трансформация” тушунчасига берилган таърифларни таҳлил қилиш, Суриядаги сиёсий трансформациянинг хусусиятлари ва бу борадаги илмий ёндашувларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ёритиш;

Сурия сиёсий тизимининг шаклланиши ва эволюциясини таҳлил қилиш;

Яқин Шарқдаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини ўрганиш;

сиёсий жараёнларда сиёсий трансформация муаммоларини ўрганиш борасидаги назарий-концептуал қараш ва ёндашувларни таҳлил этиш;

Суриянинг сиёсий трансформациясидаги асосий тенденцияларни ва уларни белгиловчи омилларни, ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

Яқин Шарқдаги геосиёсий вазият ҳамда ички ва ташқи ҳарбий-сиёсий таъсирлар шароитида Суриянинг халқаро муносабатларидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш;

ўрганилган масалалар юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда илмий-амалий аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурия Араб Республикасининг сиёсий трансформацияси билан боғлиқ масалалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Сурия хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдидларга қарши мамлакат раҳбарияти ички ва ташқи сиёсатида амалга оширган ислохотлар, Яқин Шарқдаги янги геосиёсий вазиятда Суриянинг халқаро муносабатларидаги ҳозирги тенденциялар белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда турли сиёсий муаммоларни таҳлил этишда кенг қўлланиладиган илмий усул ва ёндашувлардан фойдаланилган. Жумладан, тарихий-сиёсий таҳлил, тизимлаштириш, қиёсий, муаммовий-хронологик ҳамда фанлараро ёндашув каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсир қилаётган миллатлараро ва конфессиялараро зиддиятлар Сурияни ташқи таъсирларга нисбатан заифлашувига, фуқаролар хавфсизлиги, конституцион тузум ва ҳудудий яхлитликни таъминлашда тизимли муаммоларга олиб келаётганлиги аниқланган;

Суриянинг ҳозирги сиёсий трансформацияси жараёнида ички ва ташқи муҳолиф ҳаракатларга қарши турадиган катъий процессуал моддаларни амалдаги қонунчиликка киритиш, давлат органлари ўз фаолиятида “инсон-хуқуқ-давлат” тамойилига асосланган бошқарув механизмига таяниш зарурияти илмий асосланган;

давлат бошқаруви ҳокимият органлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда мувозанатни сақлашда ваколатларнинг бирлашиб кетиши ва манфаатлар тўқнашуви мамлакатда амалдаги ҳокимиятни синфлашувига, сиёсий институтларнинг декларатив кўринишига, сиёсий қарорлар қабул қилишда ҳарбий элитани ҳал қилувчи кучга айлантирганлиги очиқ берилган;

Яқин Шарқ минтақасида Сурия ўзининг геостратегик нуфузини мустаҳкамлашда толерантлик асосида диний омил хавфсизлигини таъминлаш, умумараб интеграциясини тиклаш ҳамда араб-Исроил низосига нисбатан конструктив позицияга ўтиш муҳим стратегик вазифаси эканлиги асосланган.

Сурия суверенитети ва изчил ривожланишига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга қарши шаффоф институционал, давлат бошқаруви тизими ресурсларидан самарали фойдаланиш, халқ манфаатларига асосланган хавфсизлик тизимини яратиш зарурати барқарор тараққиёт гарови эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

сиёсий фанларда тан олинган услуб ва фанлараро ёндашувлар асосида араб давлатларидаги халқаро-сиёсий трансформацияни тадқиқ этиш ва ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган назарий-услубий жиҳатлар аниқланган;

Сурия тажрибасини ўрганиш орқали хавфсизлик ва барқарорликка янги таҳдидлар, барқарор ривожланишга таъсирлар, сиёсий трансформациянинг тенденциялари ва унда диний омилнинг роли ва ўрни юзасидан илмий хулоса ва таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги сиёсий фанларда тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, бир неча турдаги адабиётлардан фойдаланилгани, бевосита мавзуга оид хорижий тиллардаги бирламчи манбаларга асослангани, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти араб мамлакатларидаги сиёсий жараёнлар, уларнинг ташқи сиёсати ва Яқин Шарқ минтақаси муаммолари ҳамда араб-мусулмон

жамиятларини демократлаштириш жараёнларига оид илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Яқин Шарқ минтақасини тадқиқ этишга ихтисослашган ташкилотлар, олим ва экспертлар, миллий ва минтақавий хавфсизлик, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш масалалари билан бевосита шуғулланадиган давлат ва жамоат ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятида Суриянинг ички ва ташқи сиёсатига доир таҳлилий маълумотномалар тайёрлаш, олий таълим муассасалари учун “Жаҳон сиёсати”, “Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлари”, “Конфликтология” каби фанлардан маъруза матнлари, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратишда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар, минтақадаги янги геосиёсий вазиятнинг барқарор ривожланишга таъсири, сиёсий трансформация салбий таъсирининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

Суриянинг ҳозирги сиёсий трансформацияси жараёнида ички ва ташқи муҳолиф ҳаракатларга қарши турадиган қатъий процессуал моддаларни амалдаги қонунчиликка киритиш, давлат органлари ўз фаолиятида “инсон-ҳуқуқ-давлат” тамойилига асосланган бошқарув механизмига таяниш зарурияти; Сурия суверенитети ва изчил ривожланишига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга қарши шаффоф институционал, давлат бошқаруви тизими ресурсларидан самарали фойдаланиш, халқ манфаатларига асосланган хавфсизлик тизимини яратиш зарурати барқарор тараққиёт гарови эканлиги борасидаги илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан араб давлатлари билан муносабатларга оид қонунчилик ҳужжатларини кўриб чиқиш ва уларни маъқуллаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 5 мартдаги 10/1-254-сон маълумотномаси). Натижада сиёсий жараёнларни белгилаш ва баҳолаш, можароларни ҳал қилишнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмлари миллий ҳамда халқаро даражада етарли шаклланмагани уларни такомиллаштириш зарурати мавжудлиги борасидаги хулосаларни илмий асослашга хизмат қилган;

Яқин Шарқ минтақасида Сурия ўзининг геостратегик нуфузини мустаҳкамлашда толерантлик асосида диний омил хавфсизлигини таъминлаш, умумараб интеграциясини тиклаш ҳамда араб-Исроил низосига нисбатан конструктив позицияга ўтиш муҳим стратегик вазифаси борасидаги тадқиқот натижалари ва хулосалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 24 февралдаги 18/6349-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ва Сурия ўртасида дипломатик муносабатларни олиб бориш, Сурия можаросининг Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлигига таъсири борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Суриядаги ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсир қилаётган миллатлараро ва конфессиялараро зиддиятлар Сурияни ташқи таъсирларга нисбатан заифлашувига, фуқаролар хавфсизлиги, конституцион тузум ва ҳудудий яхлитликни таъминлашда тизимли муаммоларга олиб келаётганлиги борасидаги илмий тадқиқот натижалари ва хулосалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан ахборот-таҳлилий ҳужжатлар тайёрлашда фойдаланилган (СМТИ 2021 йил 26 февралдаги 05-5/189-сон маълумотномаси). Натижада ички сиёсий масалаларни ҳал қилиш муаммолари, жамиятнинг этник ва конфессионал ўзига хослигини инобатга олиш зарурати, уларнинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири, ахборот хавфсизлиги ва мафкуравий таҳдидларга қарши кураш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлашга хизмат қилган.

Давлат бошқаруви ҳокимият органлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда мувозанатни сақлашда ваколатларнинг бирлашиб кетиши ва манфаатлар тўқнашуви мамлакатда амалдаги ҳокимиятни синфлашувига, сиёсий институтларнинг декларатив кўринишига, сиёсий қарорлар қабул қилишда ҳарбий элитани ҳал қилувчи кучга айлантирганлиги борасида илмий-назарий хулосалар Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси томонидан хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш ҳамда сиёсий жараёнларга оид ахборот-таҳлилий ҳужжатлар тайёрлашда фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши ижроия кўмитасининг 2021 йил 26 февралдаги 01-27/180-сон маълумотномаси). Натижада партия фаолиятини тизимли ташкил этиш, жамиятда сиёсий ислохотларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, давлат органлари ўз фаолиятида инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган бошқарув механизмига таяниш зарурияти бўйича тавсия ва таклифлар тайёрлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялардаги маърузаларда баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилган илмий нашрларда 15 та мақола, улардан 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, тадқиқот қисми 231 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар сони ва диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг **“Араб давлатларидаги сиёсий трансформацияни тадқиқ этишнинг назарий-методологик жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида ҳозирги замон сиёсатшунослигида давлатларнинг, шу жумладан, араб мамлакатлари хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдидлар, уларни бартараф этиш бўйича сиёсий механизмлар, сиёсий трансформацияни баҳолашда фойдаланиладиган назарий қараш ва концептуал ёндашувлар ўрганилган ва тадқиқ этилган. Ушбу методологик ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда араб давлатлари, хусусан, Суриянинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган, шунингдек, боб бўйича умумий илмий хулосалар берилган.

Диссертацияда араб давлатларидаги сиёсий трансформация муаммосини тадқиқ этишнинг илмий-назарий ёндашувлари таҳлил қилинади, Яқин Шарқ давлатларидаги демократик транзит хусусиятлари, давлатлар инқирози, араб жамиятларида кузатилаётган сиёсий ўзгаришлар, диний экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи сиёсий гуруҳларни давлат бошқарувига олиб келинишининг сабаб ва оқибатлари ўрганилади. Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнлар таҳлил қилиниб, минтақавий низолар Сурия хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдидлар нигоҳида тадқиқ этилади.

Диссертацияда араб давлатлари сиёсий трансформацияси таҳлил қилинар экан, шаклан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида киритилган сиёсий ўзгаришлар авторитар тизимнинг туб моҳиятига таъсир қилмаган бўлсада, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи қатор янги тенденцияларни келтириб чиқарганлиги илмий асослаб берилади. Сурия раҳбарияти, бир томондан, сиёсий плюрализмни таъминлаб, бунинг учун кенг имкониятларни очиб берган, бошқа томондан, норматив ҳужжатлар ва маъмурий-ҳуқуқий воситалардан партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтларининг эркинликларини чеклашга қаратилган шарт-шароитларни яратишда фойдалангани кўрсатиб берилади.

Яқин Шарқда кузатилаётган ҳозирги трансформация жараёнлари узоқ ва яқин ўтмиш воқеликлари негизида етилиб келгани қайд этилиб, араб давлатларига нисбатан турли сиёсий технологиялар қўлланиши оқибатида сиёсий тизимларнинг мажбурий трансформацияси жараёнлари хавфсизлик ва барқарорликка янги таҳдидларни келтириб чиқараётгани таъкидланади.

Араб давлатларига Ғарб моделидаги демократияни олиб кириш кўзда тутилган **“Қатта Яқин Шарқ”** дастурининг ташқи кучлар томонидан амалга ошириш бошлангани минтақа давлатларидаги хавфсизлик ва барқарорликни

издан чиқариб, умумий вазиятга жиддий таъсир қилгани қайд этилади. Сурия аҳолиси ҳукуматнинг сиёсий курси ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан тўлиқ қониқишда эмаслиги, аммо реал воқелик сиёсий тузумни янгитдан шакллантиришга баҳона бўлгани кўрсатилади. Шунингдек, ислом динининг жамият ва давлат муносабатларидаги ўрни катта эканлиги боис мазкур жараён оқибатида радикал диний-экстремистик гуруҳлар кенг миқёсда намоён бўлган. Шу боис араб мамлакатларидаги жараёнлар фақат ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар негизида бўлмай, балки ташқи бошқарувга ҳам асосланганлиги таъкидланиб, давлат ичидаги тизимли зиддиятлар ҳар доим ҳам инқилобга олиб келмайди деб хулоса қилинади.

Сурия муаммоси араб дунёси сиёсий трансформациясининг таркибий қисми сифатида тадқиқ этилиб, натижада минтақавий хавфсизлик тизими заифлашгани, қуролли тўқнашувлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар муаммолар келиб чиққани, наркотиклар, қурол-яроғ ва миграция оқими кўпайиши каби хавфли тенденциялар кўрсатилади. Муаллиф фикрича, Суриядаги сиёсий ўзгаришлар маҳаллий элиталарни ўзгартирмади, бироқ ушбу давлатни жаҳоннинг “қайноқ нуқталар”идан бирига айлантирди. Шулардан келиб чиқиб, Яқин Шарқдаги ҳарбий-сиёсий агрессия, терроризм, экстремизм экспансияси каби перманент таҳдидлар шароитида хавфларни бартараф этдиган, превентив чора кўрадиган хавфсизлик тизимига таяниш, таҳдидлар, хавфлар ва кучлар мувозанатига асосланган миллий хавфсизлик, ички ва ташқи сиёсат ҳамда ҳарбий стратегияни таъминлайдиган тизим яратиш зарурлигини кўрсатиб берди, деб қайд этилади.

Президент Башар Асад Сурия сиёсий ҳаётини демократлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида амалга оширган ислоҳотлари таҳлил қилинади ва можаро келиб чиқишига давлат раҳбарининг ички шарт-шароитларни инобатга олмагани, ҳукмрон “Баас” партиясининг жамият ҳаётига таъсири ва конфессиялараро зиддиятлар кучайиши сабаб бўлди деб баҳоланган.

Суриядаги сиёсий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга йўл қўйилмагани, хорижий ҳамкорлар кўмагида давлатчилик сақлаб қолингани, можаро ҳарбий босқичдан сиёсий босқичга ўтгани ва уни дипломатик ҳал қилиш учун шарт-шароит яратилгани, Яқин Шарқ ва, хусусан, Сурия учун геосиёсий жиҳатдан муҳим натижа деб кўрсатилади. Бироқ минтақада янги геосиёсий вазиятнинг юзага келиши Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилишда ҳарбий омилнинг ролини янада кучайтирган. Шу билан бирга, Сурия миллий иқтисодиётини инқироздан чиқариш учун халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, сиёсий ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш ишларида ҳарбийлар етакчилик қилаётгани кўрсатилган.

Шулардан келиб чиқиб, диссертацияда президент Башар Асад Суриянинг мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаб берувчи кучли хавфсизлик тизимини яратиш, шунингдек, мамлакат мудофаа салоҳиятини кучайтириш билан бирга, вужудга келган имкониятдан керакли пайтда фойдаланиб қолиш учун қуролли кучларнинг ҳужум қилиш қудратини ривожлантириб бориш ҳамда минтақада кучлар мувозанатига доимо эътиборини қаратиш зарур деган хулосага келгани фактологик материаллар орқали илмий асослаб берилади.

Сурия дипломатияси Яқин Шарқда хавфсизлик тизимини яратишда миллий, минтақавий, араб давлатлари ўртасидаги ва халқаро миқёсдаги манфаатлар ҳисобга олиниши керак, деган ғояга асосланиши қайд этилади. Диссертацияда зикр этилишича, ички сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш учун Сурия минтақавий ташқи сиёсатининг аввалги устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш заруратига дуч келган.

Суриянинг институционал ва ижтимоий-маданий омиллари тузумнинг сиёсий трансформациясига таъсири натижасида ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар борасида олимларнинг қарашлари таҳлил қилиниб, араб дунёси сиёсий трансформациясини ўрганиш кўп мамлакатлар учун долзарб бўлиб қолаётганлиги таъкидланади. Бунда Яқин Шарқнинг сиёсий трансформациясида муҳим роль ўйнаётган ҳозирги жараёнларни минтақадаги сиёсий кучларнинг бугунги мувозанати натижасида юзага келган тарихий ҳодисалар, ушбу ҳудуддаги асосий ижтимоий гуруҳлар ва рақобатчи иқтисодий субъектлар, диний ва мафкуравий оқимлар таъсирида комплекс ўрганишга эътибор қаратмоқдалар. Суриядаги давлат қурилишининг асосини ташкил этувчи жараёнлар таҳлил қилинмоқда, жамиятдаги динлараро муносабатлар тизимининг муаммоли жиҳатлари, экстремизм ва терроризмга қарши курашда минтақадаги вазиятни ривожлантириш сценарийлари, ташқи омиллар халқаро-сиёсий ривожланишга таъсири ўрганилаётгани қайд этилади.

Араб давлатлари сиёсий трансформацияси жараёнлари фақатгина “араб баҳори” воқеалари билан боғлиқ эмас, балки ўзининг кетма-кетлиги ва даврига эга. Араб мамлакатларидаги сиёсий тузумларнинг ўзгариши эса мазкур воқеа-ҳодисаларнинг охири босқичи бўлган. Шу боис араб давлатларининг сиёсий трансформациясини авторитар бошқарувдан демократия, фуқаролик жамияти, плюрализмга ўтиш йўли сифатида белгилаш мумкин деган хулоса илғари сурилади.

“XX аср охири – XXI аср бошида Суриянинг сиёсий трансформацияси ривожланишидаги асосий тенденциялар” деб номланган иккинчи бобда Сурия сиёсий трансформациясини белгиловчи асосий омиллар, ички ва ташқи сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва шаклланишига хос хусусиятлар, шунингдек, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги янги тенденциялар тадқиқ этилган. Сурия сиёсий трансформацияси минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик контекстида ҳамда ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий-сиёсий муаммолар нуктаи назаридан кенг ўрганилган. Сурия президентлари Ҳафиз Асад ва Башар Асад давридаги ташқи сиёсат қиёсий таҳлил қилиниб, сиёсий трансформация мамлакат ташқи сиёсати концепциясига муайян ўзгартиришлар киритгани кўрсатиб берилади.

Диссертацияда “сиёсий трансформация” тушунчасига берилган таърифлар таҳлили асосида Суриядаги сиёсий трансформациянинг хусусиятлари ва бу борадаги илмий ёндашувларнинг амалий жиҳатлари илмий очиб берилади. Сурия сиёсий институтларининг ўзига хос жиҳатлари, ҳокимият органларининг ўзаро ва жамият билан муносабати, элиталарни этник-конфессионал ёллаш механизмлари, қарорлар қабул қилиш ва уларни ижро этиш механизмида ҳукмрон партиянинг ўрни тизимли очиб берилади. Сурия сиёсий трансформациясидаги асосий тенденциялар, этник ва конфессионал вазият ўрганилиб, ички сиёсий жараёнларга ташқи куч омили таъсирининг олдини олиш давлатлар ўртасида

Ўзаро ишонч ва манфаатлар уйғунлигига асосланган муносабатлар ўрнатилишига боғлиқ деб таъкидланади. Шу билан бирга XX аср охири – XXI аср бошида Суриянинг трансформациясида диний омилнинг ўрни алоҳида тадқиқ этилиб, ушбу мамлакатнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги таъминланмаганлигининг асосий сабабларидан бири сифатида мазкур омил кўрсатилади. Муаллиф нуқтаи назарича, диний омил ва ундан келиб чиқадиган Суриядаги сиёсий вазият расмий Дамашқ ташқи сиёсатининг шаклланишига катта таъсир қилмоқда.

Сурияда кадрларга доир қарорларни қабул қилиш жараёни профессионал жиҳатларга ҳам эгаллиги, асосий лавозимларга аҳолининг озчилигини ташкил этувчи алавийлар орасидан тайинлаш амалиёти шакллангани қайд этилади ва бу президентнинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган чора сифатида изоҳланади.

Суриядаги воқеалар Яқин Шарқдаги глобал трансформациянинг таркибий қисми сифатида баҳоланиб, улар давлат барқарорлигига таҳдид солувчи хавфли тенденцияларни келтириб чиқаргани зикр этилади ва бунинг далили сифатида Суриянинг Исроил ва Туркия каби бевосита кўшни давлатлар билан ўзаро муаммолари кўрсатилади. Суриядаги можаро Дамашқнинг этник курдларга нисбатан муносабатига таъсир қилиб, курдларга ўз давлатини тузиш учун қулай шароит яратди, бироқ ушбу саъй-ҳаракатлар ҳудудида курдлар яшовчи давлатларнинг қаршилигига учраётгани Туркия мисолида кўрсатиб берилади.

Сурия йиллар давомида шаклланган сиёсий анъаналарга эга бўлиб, қарор қабул қилишда ҳокимиятни тўлиқ ўз қўлида мужассамлаштирган давлат раҳбарининг шахси алоҳида аҳамиятга моликлиги, ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда араб дунёсига хос сиёсий маданият хусусиятлари инобатга олиниши қайд этилади. Зеро, Сурияда ички беқарорлик ҳукм сураётган, ташқи босим кучайиб бораётган шароитда миллат етакчисининг қиёфаси тобора салмоқли, жиқлаштирувчи аҳамиятга моликлиги таъкидланиб, тартибсизликлар бошланганида миллионга яқин аҳоли президент Башар Асадни қўллаб-қувватлаб намоёнига чиққани зикр этилади.

Диссертацияда Суриядаги сиёсий ўзгаришлар шароитида расмий Дамашқ ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш ўта мураккаб ва зиддиятли кечётгани, Сурия катта геосиёсий, ҳарбий, иқтисодий салоҳиятга эгаллиги унинг халқаро муносабатлар объекти ва субъекти сифатидаги ролини белгилаб бергани, давлат суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсат олиб бораётгани, ўз навбатида, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тизимларни мустақил ривожлантиришга, маданий ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, миллий манфаатларини амалга оширишга қаратилган ташқи сиёсат олиб боришга фаол интилишида намоён бўлаётгани қайд этилади. Бунда Сурия ҳарбийлари мамлакат ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда муҳим ўринга эгаллиги таъкидланади.

Муаллифнинг нуқтаи назарича, Ҳокимият ворислиги натижасида Башар Асад президентлик лавозимида ўтириши Сурия ички ва ташқи сиёсатидаги янги босқич сифатида баҳоланиб, бунинг тасдиғи сифатида ҳокимият тепасига ёш янги шахслар жалб қилингани, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий параметрларига ўзгартириш киритилгани кўрсатилади. Ички сиёсат нуқтаи назаридан қараганда, Суриянинг Яқин Шарққа доир ташқи сиёсатини

шакллантириш ва амалга ошириш механизми миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, мамлакат тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун қулай шароит яратиш зарурати билан боғлиқ.

Диссертацияда кўрсатилишича, Башар Асад ҳокимият тепасига келганидан сўнг асосий эътиборини иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, коррупцияга қарши кураш, Сурияга хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби муҳим масалаларга қаратди. Сурияда демократик ислохотлар тўлиқ амалга ошмай қолиши ташқи сиёсатдаги жиддий муаммоларни ҳал қилиш зарурлиги ҳамда “эски гвардия” билан мураса қилиш билан эмас, балки давлат аппаратида коррупция кучлилиги, мамлакатни янги иқтисодий ривожланиш моделига ўтказишга уринишлар муваффақиятсизликка учраши ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилгани билан боғлиқ. Сурияда диний-экстремистик гуруҳлар фаолияти тобора кучайиб бораётгани жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарган. Бундай шароитда иқтисодиётни янгилашга эътибор қаратилиб, мамлакатни сиёсий трансформация қилишга шароит яратилган. Хусусан, Башар Асад ёш мутахассисларга таянган ҳолда сиёсий ислохотларни амалга оширгани натижасида Суриянинг ички ва ташқи сиёсатида либераллашув элементлари кузатилган. Сурия президенти модернизация тарафдори бўлсада, бироқ йиллар мобайнида мустақамланган давлат тузумини сақлаб қолган ҳолда жамиятни ҳозирги ташқи таҳдидларга мослаштиришга ҳаракат қилган.

Диссертацияда 2000 йиллардан президент Башир Асад АҚШ ва Европа давлатлари билан алоқаларни ўрнатишга қаратилган ташқи сиёсати, шу жумладан, Миср билан ҳамкорликни ривожлантириш, Ливандаги ҳарбий контингентини олиб чиқиш ва Исроил билан музокараларни қайта тиклаш йўлидаги янги тенденциялар ўрганилган. Қайд этилишича, Сурия ташқи сиёсати стратегияси мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Бу мақсадларни амалга ошириш учун Сурия минтақа давлатлари, шу жумладан, Исроил билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга интиланган. Бироқ расмий Дамашқ Вашингтон маъмурияти билан конструктив мулоқот ўрната олмагани, Яқин Шарқдаги геосиёсий ва геостратегик вазият ўзгариши натижасида Дамашқ минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятга реал баҳо берган ҳолда асосий эътиборини Россия ва Хитой билан муносабатларни изчиллаштиришга қаратган.

Хулоса қилиб айтганда, Сурия ички сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва диний шарт-шароитларни инобатга олмаган ҳолда мамлакатда сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширгани қатор хавфли тенденцияларни келтириб чиқарган. Сурия ташқи сиёсий курсини амалга оширишда муайян механизм мавжуд бўлиб, Дамашқ миллий манфаатларни таъминлаш йўлида ҳар қандай ташқи омилларга нисбатан ўз мавқеини истаган пайтда ўзгартириши ва ички муаммоларни ҳал этишга йўналтириши мумкин.

Диссертациянинг **“Сурия инқирози ва унинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга таъсири”** деб номланган учинчи боби Суриядаги инқирознинг миллий манфаатларни таъминлашга таъсири, Яқин Шарққа “демократияни олиб кириш” жараёнида расмий Дамашқ сиёсати, шунингдек,

Сурия муаммосида янги стратегик технологиялардан фойдаланилиши ва унинг минтақадаги оқибатлари тадқиқ этилган. Сурия муаммоси, унинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари, бугунги кунда мамлакатда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Бунда Сурия хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга Яқин Шарқдаги янги геосиёсий ва геостратегик омилларнинг таъсири тизимли таҳлил қилинади. Жумладан, глобаллашув натижасида Яқин Шарқ хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдидлар минтақадаги сиёсий жараёнларнинг хусусиятини белгилаб бергани ва ташқи кучларнинг мазкур жараёнларга аралашуви Суриядаги ҳарбий-сиёсий тенденцияларнинг омили бўлгани кўрсатилади.

Диссертацияда қайд этилишича, Сурия муаммоси натижасида юзага келган ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва диний жараёнлар динамикаси сақланиб қолаётган бир пайтда президент Башар Асад давлат манфаатларига, хусусан, ички сиёсий вазиятга таҳдид солувчи турли ташқи омилларни эҳтиёткорлик билан айланиб ўтиш тактикасини қўллаган. Бундай шароитда Сурия раҳбариятининг ташқи сиёсий стратегиясида минтақавий жараёнларга устуворлик берилиши асосли деб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Яқин Шарқ муаммоси, Ироқ ва Ливан атрофидаги воқеалар ривожига каби муаммолар Сурия миллий манфаатларига жиддий таҳдид солаётган бир шароитда расмий Дамашқ мамлакат атрофида хавфсиз ва барқарор муҳит яратиш мақсадида ушбу йўналишларни ўз ташқи сиёсий фаолиги диққат-марказида ушлаб келган. Хусусан, Дамашқ маъмурияти мамлакатдаги ички сиёсий беқарорликдан хавфсираган ҳолда қўшни давлатларга нисбатан ўзининг ҳарбий-сиёсий имкониятлари доирасидаги чора-тадбирларни амалга оширишдан чекланмоқда. Зеро, Сурия раҳбарияти ташқи ҳарбий-сиёсий воқелик миллий манфаатларига салбий таъсирининг олдини олишга интилган ҳолда юзага келиши мумкин бўлган минтақавий можарога ҳеч бир кўринишда тортилмасликка муттасил равишда ҳаракат қилмоқда. Ушбу мулоҳазанинг далили сифатида Сурия халқаро ҳамжамият билан муносабатларини кескинлаштирмаслик мақсадида Ливандан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетгани, Исроилнинг мамлакат худудидаги объектларга нисбатан авиаҳужумларига, АҚШ ва Туркиянинг ҳарбий ҳаракатларига қарши жиддий муносабат билдирмаётгани келтирилган.

Диссертацияда Сурия муаммоси “араб баҳори” деб номланган воқеалар ўзанида таҳлил қилинар экан, Башар Асад томонидан мамлакатдаги фавқулодда ҳолат бекор қилиниши, янги конституция юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилиши, “Баас” партиясининг давлатдаги етакчилик роли бекор қилиниши, президентлик муддатига ҳамда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига ўзгартириш киритилиши каби кўрилган чора-тадбирлар вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилмаган.

Муаллиф нуқтаи назарича, Сурияда демократик ислохотлар 2000 йилда Башар Асад ҳокимиятга тепасига келиши билан бошланган. Мазкур давр Сурия раҳбарияти жамиятдаги қатор долзарб муаммоларни ечишга ҳаракат қилди. Бу, биринчи навбатда, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштиришга қаратилган чоралар эди. Сурияда Башар Асад томонидан амалга оширилган жамиятни либераллаштириш сиёсати натижасида мустақил ижтимоий-сиёсий ташкилотлар – миллий мулоқот форумлари шаклланди. Ислохотлар изчил эмаслиги, амалга

оширилган ўзгаришлар Суриядаги ички сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилмагани боис унинг баъзи ташаббуслари қайта кўриб чиқилди. Сурияда демократик ислохотлар тўлиқ амалга ошмай қолиши Ҳафиз Асад даврида шаклланган “эски гвардия”нинг сиёсий ўзгаришларга муносабати ҳамда Дамашқ ташқи сиёсатдаги муаммолар билан ҳам боғлиқ эди деган мулоҳаза қилинади. Зеро, Сурия президенти томонидан амалга оширилган сиёсий-иқтисодий ислохотлар муҳолифатнинг деярли барча асосий талабларига жавоб беради.

Шулар асосида Сурия инқирози ривожланишида бир қатор тенденциялар мавжудлиги қайд этилган: биринчидан, Б.Асад инқироз бошида муҳолифат ва Ғарб давлатлари талаб қилган сиёсий ислохотларни қисқа вақт ичида ўтказишга интилгани; иккинчидан, Сурияда ҳукуматга қарши қуролли гуруҳлар фаоллашуви ва, бошқа томондан, кўпчилик аҳоли президентни қўллаб-қувватлаши кучайгани; учинчидан, Сурия инқирозига ташқи кучлар аралашуви ҳамда можаронинг минтақа ва ҳатто жаҳон миқёсигача кенгайиб кетиши. Сурия инқирози сабаблари “араб баҳори” тенденциялари билан бирга таҳлил қилиниб, халқ норозилиги ижтимоий-сиёсий инқирозни бошидан кечирган бошқа мамлакатлардаги сингари сабабларга кўра келиб чиққани, бироқ Миср ва Тунис воқеаларидан мутлақо фарқ қилиши таъкидланган.

Ғарб давлатларининг демократик қадриятларни Яқин Шарқда тарқатишга қаратилган фаол сиёсат юрита бошлагани ва бу жараёнда Суриянинг олиб борган ички ва ташқи сиёсати таҳлил қилиниб, Дамашқ мавқеи минтақадаги геосиёсий ўзгаришлар нигоҳида баҳоланади. Сурия инқирозида янги стратегик технологиялардан фойдаланилиши ва унинг оқибатлари тадқиқ этилар экан, рангли инқилоблар давлат тўнтаришларини ташкил қилишнинг сиёсий технологияси деб таърифланади ва айрим давлатлар ўз суверенитетига таҳдидларни етарли баҳолай олмаётгани сабабли мазкур сиёсий технологияларга қарши кураша олмаётгани зикр этилади. Шулардан келиб чиқиб, диссертацияда Суриядаги воқеалар рангли инқилобларга хос бўлган сиёсий технологик схема бўйича ривожланган деб қайд этилади. Ушбу мулоҳазанинг далили сифатида 2015-2017 йиллар Буюк Британия томонидан Суриядан ташқаридаги “мўътадил” деб номланувчи муҳолифатни қўллаб-қувватлаш схемалари учун 162 млн фунт стерлинг ажратилгани келтирилади⁶.

Диссертацияда қайд этилишича, ҳозирда Яқин Шарқдаги можаролар тобора гибрид шаклда кечиши кузатилмоқда. Жумладан, Сурияда диний фон юқори бўлмаган мусулмон давлатларида сиёсий ҳокимиятни демонтаж қилишнинг янги технологиялари синовдан ўтказилди. Шу боис ташқи таҳдидлар Суриядаги вазиятни беқарорлаштирувчи асосий омил деб баҳоланади, чунки президентлик сайловлари мамлакат аҳолисининг катта қисми Башар Асадни ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватлашини кўрсатди. Ташқи деструктив кучлар Суриядаги қонуний ҳокимиятни ағдаришга уринаётган бир шароитда президент Б.Асад ислохотларни амалга ошириш,

⁶ «За последние пять лет Великобритания выделила миллионы долларов на поддержку террористов в Сирии» – информационное агентство SANA, Лондон, 21.07.2021; <http://www.sana.sy/ru/?p=279571>

халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга эришишга интилаётгани кўрсатиб берилади.

Шулардан келиб чиқиб, ҳозирги шароитда ва умуман Сурия атрофидаги воқеа-ҳодисалар ахборот-коммуникация майдонини доимий кузатиб борадиган ҳамда давлат ички ва ташқи сиёсатига таъсир қилиши мумкин бўлган салбий тенденцияларни олдиндан аниқлаб, уларни бартараф этиб борадиган тегишли тузилмалар ва миллий хавфсизлик стратегияси ишлаб чиқилган бўлишини тақозо этмоқда, деб хулоса қилинади.

Диссертациянинг **“Сурияда барқарор ривожланиш истиқболлари ва хавфсизликни таъминлаш муаммолари”** деб номланган тўртинчи бобида мазкур давлатнинг барқарор ривожланишга минтақадаги янги геосиёсий шарт-шароитлар таъсири, давлат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, уларни келтириб чиқарувчи омиллар ва шарт-шароитлар тадқиқ этилган. Минтақадаги янги геосиёсий шароитлар Суриядаги барқарор ривожланишга таъсири ўрганилар экан, 2011 йил март ойидаги оммавий ғалаёнлардан кейин мамлакатда бошланган туб ўзгаришлар сабабли Сурия ташқи сиёсати бир қатор давлатлар билан кескинлашгани зикр этилган.

Диссертацияда 2003 йилдан кейин Яқин Шарқда шаклланган янгича геосиёсий вазият Суриянинг Ливан, Фаластин, Иордания, Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Эрон, Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари билан муносабатлари ва мулоқотларига сезиларли таъсир қилиб, Дамашқдан мамлакат ташқи сиёсий курсининг айрим параметрларини янгича воқеликни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо этгани кўрсатиб берилади.

Диссертацияда зикр этилишича, 2000-йиллар бошида президент Б.Асад Ғарб давлатлари, биринчи навбатда, АҚШ билан хавфсизлик соҳасида яқин ҳамкорлик ўрнатиши орқали Яқин Шарқда Суриянинг манфаатлари инобатга олинишига эришилади деган хулосада эди. Расмий Дамашқ ташқи сиёсатини бундай тезисдан келиб чиқиб ўзгартиришига кўп жиҳатдан Миср президенти Ҳусний Муборак ҳамда Миср Умумий разведка хизмати раҳбари Умар ар-Рифайнинг Башар Асад билан ўтказган мулоқотлари сабаб бўлган. Сурия раҳбарияти АҚШ билан хавфсизлик соҳасида жиддий ҳамкорлик қилишга ва ташқи сиёсатига тузатишлар киритишга тайёрлигини намойиш қилиш учун 2001-2002 йилларда АҚШ ҳарбий иншоотларига қарши режалаштирилган бир қанча терактларни олдиндан бартараф этишда ўз махсус хизматлари орқали ёрдам берган.

Суриянинг сиёсий тузуми таркибий яхлит эканлиги ва унинг бирлаштирувчи кучи ташқи таъсирлардан юқорилиги, глобализация натижасида минтақавий барқарорликка нисбатан шаклланган хавф ва таҳдидлар президент Башар Асаднинг ҳокимияти легитимлиги ва легаллигига таъсир қилмагани тизимли очиб берилиб, араб давлатларининг бу борадаги мавқеига диний-конфессионал омил ҳам таъсир қилган деб қайд этилади. Шунингдек, Сурия хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, омиллари, шарт-шароитлари ўрганилиб, мамлакат ички ва ташқи сиёсати ўзгаришида армия, махсус хизматлар ва диний омилнинг тутган ўрни кўрсатиб берилади.

Диссертацияда қайд этилишича, Сурия ҳукуматининг барқарорлигини таъминлашда қуролли кучлар ва хавфсизлик хизмати асосий роль ўйнайди. Ўнлаб йиллар давомида Суриядаги сиёсий элита армия ва махсус хизмат вакилларида тузилган бўлиб, улар тузумнинг пойдеворини ташкил этади. Кучли армия давлат конституцион тузумига исён ва ташқи хавфдан ҳимоянинг кафолати эканлиги боис ҳарбий соҳага алоҳида этибор қаратиш муҳим аҳамиятга молик. Армия мамлакатда эркин, озод ва фаровон ҳаёт бунёд этиш, демократик ислоҳотларни самарали амалга ошириш йўлида ишончли шерик бўлиши мақсадга мувофиқ.

Б.Асаднинг қуролли кучлар таркибидаги ислоҳотлари ҳукмрон элитанинг барқарорлигига хизмат қиладиган тизимни яратиш, конфессиянал мувозанатни таъминлашга қаратилган бўлсада, асосий ҳарбий лавозимларда алавийлар устунлик қилишда давом этди. Президент Б.Асад Сурияда террорчи ташкилотлар йўқ қилинганидан кейин ҳам уларнинг қайта тикланиши хавфи сақланиб қолишини инобатга олган ҳолда муҳолифатнинг мамлакатдаги барча махсус хизматларни тарқатиб юбориш талабини бажаришни рад этмоқда. Б.Асад бу мавқеини махсус хизматларни тарқатиб юбориш мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида туб ўзгаришларни амалга ошириш жараёнини секинлаштириб қўяди, деб изоҳлаётгани кўрсатилган. Бундай шароитда Сурия раҳбарияти мамлакатда кучли армия бўлмаса суверенитетни тўлиқ тиклаш, сиёсий ўзгаришларни амалга ошириши учун қулай муҳитни яратиши қийин бўлишини тушунган ҳолда қуролли кучларни ислоҳ қилишга интилоқда.

Диссертацияда Суриянинг ижобий имижини тиклаш ва шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари тадқиқ этилиб, Сурия муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш механизмлари, барқарорликни ўрнатиш истиқболлари таҳлил қилинади. Бунда ички сиёсий жараёнларга ташқи куч омили таъсирининг олдини олиш давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатлар уйғунлигига асосланган муносабатлар ўрнатилишига боғлиқлиги таъкидланади ва Россия, Хитой ва Эроннинг Сурия муаммоси бўйича ёндашуви кўрсатилади.

Суриядаги можаро мамлакат аҳолиси, инфратузилмаси ва иқтисодиёти учун малакали меҳнат ресурсларини йўқотиш, иқтисодни издан чиқариш, шунингдек, миллий валютанинг қадрсизлангани, давлат хизматлари барбод бўлгани каби ҳалокатли оқибатларга олиб келгани қайд этилиб, асосий муаммолар инфратузилмани қайта қуриш билан ҳал бўлмаслиги таъкидланади. Президент Башар Асад мамлакатни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари эски ва янги элиталарнинг ҳукуматга садоқатини рағбатлантириш ҳамда Россия, Хитой ва Эрон каби халқаро ҳамкорларига Сурия ресурсларидан фойдаланишга руҳсат бериб, сарф-харажатларини қоплашга қаратилгани қайд этилади.

Сурия президенти Б.Асаднинг нуқтаи назарича, демократик ислоҳотлар ташқаридан олиб кирилиши эмас, балки араб жамятларининг эволюцион ривожланиши натижаси бўлиши керак. Уруш ҳолати ва сиёсий муаммолар мавжуд бўлган шароитда жамятда демократияни ривожлантириб бўлмайди деб таъкидланади. Демократик ислоҳотлар жамятда пастдан тепага чиқиши,

босқичма-босқич амалга оширилиши ва бунинг учун аввало халқ уни қабул қилишга тайёр бўлиши керак.

Диссертацияда араб мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этаётган бир шароитда Суриядаги ўзгаришлар минтақавий ва глобал акторлар билан муносабатларга ва Марказий Осиёдаги вазиятга салбий таъсирининг олдини олиш муҳим аҳамиятга моликлиги таъкидланади. Зеро, Суриядаги терроризм ва диний экстремизм таҳдиди трансмиллий характерга эга бўлиб, Марказий Осиё хавфсизлигига бевосита таъсир қилади. Шу нуқтаи назардан диссертацияда ички сиёсий жараёнларга ташқи куч омили таъсирининг олдини олиш давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатлар уйғунлигига асосланган муносабатлар ўрнатилишига боғлиқлиги, шунингдек, ташқи таъсир остида Сурияда давлатчиликнинг заифлашиши ва парчаланиши, фуқаролар уруши, гуманитар фожа, терроризм каби хавфли тенденциялар келиб чиққани кўрсатиб берилган.

ХУЛОСА

1. Суриядаги воқеалар Яқин Шарқдаги глобал ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлиб, араб-Исроил муаммоси ҳал этилмагани минтақадаги беқарорликнинг асосий сабаби бўлмоқда. Ҳарб давлатлари модели бўйича сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш талаблари барқарор ривожланиш йўлидаги Сурия жамиятида жиддий ўзгаришларга олиб келди.

2. Сурия ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар расмий Дамашқ жорий воқеликка жавоб берувчи сиёсий ўзгарувчанлик тамойилларини қўллашга мойиллигини кўрсатди. Сурия раҳбарияти ташқи сиёсий курсининг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда ички сиёсий концепцияда белгиланган давлат хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда Сурия жамиятини либераллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни муваффақиятини таъминлаш каби асосий параметрларни амалга оширишда қатъиятсизлик қилган. Сурия сиёсий элитаси ҳозирги таҳдидларга муносиб ва самарали чора кўра олмаяпти.

3. Яқин Шарқдаги янги геосиёсий вазият ҳарбий омилнинг ролини янада кучайтирди. Ҳарбийлар Сурия давлати барқарорлигининг таянчига айланиб, ички ва ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишда ҳал қилувчи мақомни олди.

4. Жамиятни демократлаштириш масаласи 2000-йиллардан Сурия ички ва ташқи сиёсатининг муҳим элементларидан бири бўлиб келган. Сурия бошқа араб мамлакатларидан фарқли равишда жамиятда кенг сиёсий эркинликлар яратилган. Сурия раҳбарияти халқ норозиликлари вужудга келиши биланок билан унга қарши чора-тадбирлар (мамлакатдаги фавқулодда ҳолатни бекор қилди, янги конституция ва қонунлар қабул қилинди ҳамда “Баас” партияси ҳукумронлигига чек қўйилди, эркин ва очиқ сайловлар ўтказилди, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитлар яратилди) тезда ва изчил амалга оширилмагани сабабли улар вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилмади.

5. Сурияда сиёсий ўзгаришлар изчиллашган бир шароитда мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги масалаларнинг ҳал этилиши иккинчи

даражада қолиб кетгани сабабли мазкур йўналишдаги вазият мураккаблашган. Сиёсий эркинликлар ошиб борганига қарамай аҳолининг турмуш даражаси пасайгани Сурия жамиятида ижтимоий тарангликни келтириб чиқарган. Бироқ давлатдаги тизимли зиддиятлар ташқи кучлар томонидан бошқарилмаса, ҳар доим ҳам инқилобга олиб келмайди.

6. Б.Асад президентлиги даврида Сурияда жамиятни демократлаштириш, ижтимоий ривожлантириш, мамлакатда иқтисодий ўсиш ва барқарорликни таъминлаш йўлида муайян ютуқларга эришилган. Аммо 2008 йилдаги халқаро молиявий инқироз Сурия аҳолисининг иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир қилган. Мамлакатдаги мураккаб иқтисодий вазиятдан радикал гуруҳлар ўз ғояларини илгари суришда фойдаланган. Бундай шароитда Сурия раҳбарияти халқнинг билим даражасини кўтариш мамлакатда турли радикал ғоялар кенг тарқалишига тўсқинлик қилади деган мулоҳазадан келиб чиқиб, мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш йўлида фаол саъй-ҳаракатлар қилди.

7. Сурияда давлат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда заифлик салбий оқибатлар олиб келгани намоён бўлди. Бошқарув заифлиги, мамлакат барқарорлигини мустаҳкамлайдиган демократик институтлар фаолияти тўғри таъминланмагани қатор таҳдидларга замин яратган.

8. Суриядаги сиёсий ўзгаришлар жараёни шошилинич ва ҳар томонлама тайёрланмай мамлакатда демократик ислохотлар амалга ошириш қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, шунингдек, барча жамиятлар учун мос келадиган демократия модели мавжуд эмаслигини кўрсатди.

9. Сурия сиёсий элитаси Исроил билан муроСага бориш уларнинг сиёсий имиджига салбий таъсир қилишидан хавфсирайди. Бироқ Сурия раҳбарияти минтақада қарор топган ҳозирги воқеликни инобатга олиб, музокараларда конструктив ёндашувда бўлишга тайёрлигини билдирмоқда. Акс ҳолда Сурия Жўлан тепаликларини қайтариб олиш учун “Ҳизбуллоҳ” ва ҲАМАС ташкилотлари орқали Исроил билан қарама-қаршиликни давом эттиради. Бунда шиа омили Эрон билан ҳамкорликнинг муҳим элементи бўлиб сақланиб қолади.

10. Араб мамлакатлари билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этаётган бир шароитда Суриядаги ҳозирги ўзгаришлар минтақавий ва глобал акторлар билан муносабатларга ва Марказий Осиёдаги вазиятга салбий таъсирининг олдини олиш муҳим аҳамиятга молик. Зеро, Суриядаги терроризм ва диний экстремизм таҳдиди трансмиллий характерга эга бўлиб, Марказий Осиё хавфсизлигига бевосита таъсир қилаётгани сабабли Ўзбекистон ташқаридан турли хил ғояларнинг олиб кирилишига қаршилик қилишга тайёр бўлиши керак.

11. Сурия ички ва ташқи сиёсатида ўзгаришларни амалга оширишда, биринчи навбатда, миллий манфаатларини таъминлаш тамойилидан келиб чиқади. Шу билан бирга улар минтақавий ва халқаро миқёсда эътироф этилишига алоҳида эътибор беради. Бунда, минтақавий, биринчи навбатда, араб давлатлари билан дўстона ва шерикчилик алоқаларини ўрнатиш устивор йўналиш сифатида кўрилишидан келиб чиқиб, Сурия тажрибаси ҳар бир

давлат ўзи жойлашган геосиёсий маконда қулай муҳит ва шарт-шароит ярата олиши ушбу мамлакат ички ва ташқи сиёсий концепциясини керакли ўзанда амалга оширишнинг асосий талабларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

12. Мамлакатда кенг демократик ислоҳотларни амалга ошириш жамият бундай ўзгаришларни қабул қилишга тайёрлиги билан боғлиқ. Сурия раҳбарияти давлат суверенитети олий қадрият эканлигини эътироф этган ҳолда мамлакат ички ишларига аралашмаслик ва ҳар қандай ислоҳотлар қонун доирасида амалга оширилиши зарурлигини таъкидламоқда.

Амалга оширилган тадқиқот хулосалари натижасида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** билдирилди:

1. Мусулмон жамиятига ташқаридан ички сиёсий воқелик, менталитет ва анъаналарга мос келмайдиган қадриятлар олиб кирилиши фожиявий оқибатларга олиб келиши мумкин. АҚШ томонидан кенг тарғиб этилаётган демократиянинг ҳозирги формаси Ғарб цивилизациясининг тарихий асослари негизида яратилган бўлса, Шарқда демократия шарқона ва ислом менталитети, миллий қадриятлар, анъаналар ва жамиятларнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда шаклланиши лозим.

2. Шарқ давлатларидаги демократик жараёнларга таъсир қилувчи омиллар Ғарбдагидан фарқ қилиши боис жамиятдаги демократик ислоҳотлар сиёсий соҳа билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳам биргаликда амалга оширилиши лозим. Зеро, иқтисодий демократия мамлакатдаги демократик жараёнларнинг мантиқий-узвий қисми сифатида баҳоланади.

3. Демократия фақатгина давлат сиёсий-бошқарувининг услуби эмас, балки кенг маънода жамият фаолиятининг модели сифатида кўриладиган бўлса, ҳар доим тарихий ривожланиш хусусиятлари, анъаналар, миллий ўзлик ва менталитетга, ҳамда фуқаролик жамиятининг ривожлангани даражасига мувофиқ бўлади ва ҳеч қачон барча халқлар учун ягона андоза асосида ташқаридан олиб кирилмайди. Умуман, демократия аввало турмуш тарзи бўлиб, кейин эса давлатни бошқариш услубидир.

4. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар муайян қуролли можаро шаклида эмас, балки ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсон ресурсларига таъсир қилувчи ҳодисаларнинг салбий, таназзулга олиб боровчи оқибатлари шаклида намоён бўлмоқда. Мустақил демократик институтлар ва қонун устуворлигига таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олишда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинларини ҳурмат қилиш, демократия ва қонун устуворлигини таъминлаш муҳим ўринни эгаллаши зарур.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. *Абдуллаев Н. А.* Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар шароитида Суриянинг ички ва ташқи сиёсатидаги ўзгаришлар: Монография. –Т.: ТДШУ, 2021. –240 б.
2. *Абдуллаев Н. А.* Сурия ташқи сиёсатининг Яқин Шарқ вектори: Монография. –Т.: ТДШИ, 2019. – 120 б.
3. *Абдуллаев Н.А.* Сирия как фактор политической трансформации Ближнего Востока // Шарқ машъали. –Т.: ТДШИ, 2019. – № 1-2. – Б. 79-83.
4. *Абдуллаев Н.А.* Араб мамлакатларидаги сиёсий жараёнларнинг айрим жиҳатлари борасида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Т., 2019. – № 1. – Б. 62-66.
5. *Abdullayev N.A.* Syria as a factor of political transformation of the Middle East // *Scholars Impact Quarterly // India, Vol. 4, April-June. 2019. – P. 78-83*
6. *Абдуллаев Н.А.* Сурия ва Миср сиёсий трансформациясидаги демократик тенденцияларнинг кўрсаткичлари // Шарқшунослик/Востоковедение/Oriental Studies. –Т.: ТДШИ, 2019. – № 4. – Б. 166-176.
7. *Абдуллаев Н.А.* Об особенностях внешней политики Сирии на Ближнем Востоке // XXI аср: фан ва таълим масалалари: Электрон илмий журнал. – 2020. – № 2. – URL: <http://www.sharqjurnali.uz/en/>
8. *Abdullayev N.A* Some Features Syrian Foreign Policy on the Middle East // *The American Journal of Social Science and Education Innovations. Impact Factor 2020:5.525 // Published: August 19, 2020. – P. 199-204. Doi: <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-31>*
9. *Абдуллаев Н.А.* Суриянинг ички сиёсий трансформациясида диний омил // Шарқ машъали. –Т.: ТДШИ, 2020. – № 1. – Б. 186-190.
10. *Абдуллаев Н.А.* Сурия ва Туркия ўртасидаги ҳозирги зиддиятли муносабатлар тарихидан // XXI аср: фан ва таълим масалалари: Электрон илмий журнал. – 2020. – № 3. – URL: <http://www.sharqjurnali.uz/en/>
11. *Абдуллаев Н.А.* Об исследовании отдельных аспектов внутренней и внешней политики Сирии // Шарқшунослик/Востоковедение/Oriental Studies. –Т.: ТДШУ, 2020. – № 1. – Б. 213-224.
12. *Абдуллаев Н.А.* Туркия-Сурия муносабатларига таъсир қилувчи омиллар ва шарт-шароитларнинг тарихий таҳлили // Шарқ машъали. –Т.: ТДШУ, 2020. – № 2. – Б. 168-174.
13. *Abdullayev N.A* On features of democratic processes in Arab countries // *Scholars Impact Quarterly // India, Vol.-7, July-September 2020. – P. 53-55.*
14. *Abdullayev N.A.* محددات الاتجاهات الديمقراطية بالتحويلات السياسية في سورية ومصر // *International Journal of Law and Politics Studies (IJLPS). Al-Kindi Center for Research and Development; Jerash, Jordan. 13.12.2020. Pages: 30-35. Website: <https://al-kindipublisher.com/index.php/ijlps> ISSN: 2709-0914. <https://al-kindipublisher.com/index.php/ijlps/article/view/879>*

15. *Абдуллаев Н.А.* О некоторых тенденциях в эволюции арабского общества // Ислом тафаккури. –Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. – № 4. – Б. 7-10.
16. *Абдуллаев Н.А.* Основные тенденции в политической трансформации Сирии // Шарқшунослик/Востоковедение/Oriental Studies. –Т.: ТДШУ, 2021. – № 1. – Б. 127-132.
17. *Абдуллаев Н.А.* Яқин Шарқда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар шароитида сиёсий трансформация масалалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Т., 2021. – № 2,3. – Б. 108-115.

II бўлим (II часть; II part)

1. *Абдуллаев Н.А. ва бошқа.* Арабо-мусулманские страны в современных международных отношениях и во внешней политике Республики Узбекистан: Учебное пособие. –Т.: УМЭД, 2009. – 146 с.
2. *Абдуллаев Н.А.* Араб давлатларидаги демократик жараёнлар тарихи борасида // Актуальные проблемы мировой политики: Сб. науч. тр. –Т.: ТДШИ, 2014. – Б. 6-10.
3. *Абдуллаев Н.А.* Хорижий тиллардаги манбалар асосида Шарқ мамлакатлари тарихининг ўрганилиши // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари: илмий конф. мат-лари тўплами (Тошкент, 2015 йил 29 май). –Т.: ТДШИ, 2015. – Б. 61-66.
4. *Абдуллаев Н.А.* Суриянинг XX аср 90-йилларидаги ташқи сиёсатининг айрим жиҳатлари // XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси: сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари: Респ. илмий конф. мат-лари тўплами (Тошкент, 2017 йил 8 апрель). –Т.: ТДШИ, 2017. – Б. 197-201.
5. *Абдуллаев Н.А.* Сурия ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг айрим жиҳатлари борасида // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари: илмий конф. мат-лари тўплами. (Тошкент, 2017 йил 22 май). –Т.: ТДШИ, 2017. – Б. 97-100.
6. *Абдуллаев Н.А.* Позиция Египта в отношении реформирования и либерализации общества // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари: илмий конф. мат-лари тўплами (Тошкент, 2019 йил 22 май). –Т.: ТДШИ, 2019. – Б. 82-85.
7. *Абдуллаев Н.А.* Сирия в свете политической трансформации Ближнего Востока // Шарқшунослар анжумани: илмий мақолалар тўплами. –Т.: ТДШИ, 2019. – № 15. – Б. 246-251.
8. *Абдуллаев Н.А.* О факторе военных в эволюции и трансформации политической жизни арабских стран // Шарқ мамлакатларидаги халқаро муносабатларнинг замонавий трансформацияси: Респ. илмий конф. мат-лари тўплами (Тошкент, 2020 йил 16 май). –Т.: ТДШИ, 2020. – Б. 74-77.
9. *Абдуллаев Н.А.* Сурия сиёсий ҳаётида ҳарбийларнинг роли // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари: илмий конф. мат-лари тўплами (Тошкент, 2020 йил 16 май). –Т.: ТДШУ, 2020. – Б. 40-43.

10. *Абдуллаев Н.А.* Влияние новых геополитических условий в регионе на сирийско-иракские отношения // Турфа маданиятлар, миллат, тилларни қиёсий-типологияк тадқиқотлар орқали англаш: Халқаро илмий конф. мат-лари тўплами. (Тошкент, 2021 йил 5 март). –Т.: ТДШУ, 2021. – Б. 613-615.
11. *Абдуллаев Н.А.* Детерминирующие факторы политической трансформации Сирии // Шарқ мамлакатларидаги халқаро муносабатларнинг замонавий трансформацияси: Респ. илмий конф. мат-лари тўплами (Тошкент, 2021 йил 22 май). – Т: ТДШУ, 2021. – Б. 51-55.
12. *Абдуллаев Н.А.* Историко- политический анализ сирийско-иранских отношений // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари: илмий конф. мат-лари тўплами (Тошкент, 2021 йил май). –Т.: ТДШУ, 2021. – Б. 31-38.
13. *Абдуллаев Н.А.* Яқин Шарқдаги сиёсий трансформацияни тадқиқ этишнинг назарий жиҳатлари // манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқотлари методлари ва методологиясининг долзарб масалалари: Респ. миқёсидаги XIII илмий-амалий конф. мат-лари тўплами (Тошкент, 2021 йил май). –Т.: ТДШУ, 2021. – Б. 157-162.
14. *Abdullayev N.A.* Some features of political transformation of Syria // Современные научные исследования актуальные вопросы, достижения и инновации: Сб. статей XXI Междунар. научно-практ. конф. (октябрь 2021 г., г. Пенза). – С. 123-126.